



## STATE POLICY AND CIVIL SOCIETY: MECHANISMS OF SOCIAL PARTNERSHIP

*Alisher Pardabayevich Eshankulov*

*Acting associate professor at the Academy of state policy and management under the President of the Republic of Uzbekistan, doctor of Philosophy (PhD) in political science*

*E-mail: [ap.eshankulov@yandex.ru](mailto:ap.eshankulov@yandex.ru)*

*Tashkent, Uzbekiston*

### ABOUT ARTICLE

**Key words:** state policy, civil society, social partnership, NGOs, public oversight, democratic governance, state–society dialogue, corporate social responsibility, digital platforms, civic participation.

**Received:** 19.12.25

**Accepted:** 20.12.25

**Published:** 21.12.25

**Abstract:** The present article examines the system of interaction between public policy and civil society institutions within the context of contemporary political and legal development. The author conducts a multi-dimensional analysis of the conceptual and regulatory foundations of social partnership, revealing its role as a tool of democratic governance that ensures the alignment of the interests of the state, society, and the non-governmental sector. Special attention is given to the institutional evolution of citizen participation mechanisms in public administration, as well as the growing role of non-governmental organizations, mass media, and business structures in the public sphere.

## ДАВЛАТ СИЁСАТИ ВА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ: ИЖТИМОЙ ШЕРИКЛИК МЕХАНИЗМЛАРИ

*Алишер Пардабаевич Эшанкулов*

*Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат сиёсати ва бошқаруви академияси доценти в.б., сиёсий фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD)*

*E-mail: [ap.eshankulov@yandex.ru](mailto:ap.eshankulov@yandex.ru)*

*Тошкент Ўзбекистон*

### МАҚОЛА ҲАҚИДА

**Калит сўзлар:** давлат сиёсати, фуқаролик жамияти, ижтимоий шериклик, нодавлат ноижорат ташкилотлари, жамоатчилик назорати, давлат–жамият мулоқоти, демократик институтлар,

**Аннотация:** Мақолада замонавий давлат бошқаруви шароитида давлат ва фуқаролик жамияти институтлари ўртасидаги ўзаро муносабатлар тизими ўрганилиб, фуқаролик жамияти институтларининг давлат сиёсатидаги

корпоратив ижтимоий  
рақамли платформалар.

жавобгарлик,

иштирокини таъминловчи механизмлар, хусусан, ижтимоий шерикликнинг назарий асослари, ҳуқуқий базаси ва институционал моделлари тадқиқ этилган. Тадқиқотда фуқароларнинг давлат бошқарувида иштирок этиш механизмларининг институционал эволюцияси, нодавлат нотижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари ва бизнес тузилмаларнинг жамоат бошқаруви соҳасидаги роли ортиб бораётгани алоҳида таъкидланган.

## ГОСУДАРСТВЕННАЯ ПОЛИТИКА И ГРАЖДАНСКОЕ ОБЩЕСТВО: МЕХАНИЗМЫ СОЦИАЛЬНОГО ПАРТНЁРСТВА

*Алишер Пардабаевич Эшанкулов*

*и.о.доцента Академии государственной политики и управления при*

*Президенте Республики Узбекистан, доктор философии (PhD) по политическим наукам*

*E-mail: [ap.eshankulov@yandex.ru](mailto:ap.eshankulov@yandex.ru)*

*Ташкент, Узбекистан*

### О СТАТЬЕ

**Ключевые слова:** государственная политика, гражданское общество, социальное партнёрство, ННО, общественный контроль, демократия, государственно-общественный диалог, цифровизация, участие граждан.

**Аннотация:** В представленной статье исследуется система взаимодействия государственной политики и институтов гражданского общества в условиях современного политико-правового развития. Автор осуществляет многоаспектный анализ концептуальных и нормативных оснований социального партнёрства, раскрывая его значение как инструмента демократического управления, обеспечивающего согласование интересов государства, общества и негосударственного сектора. Особое внимание уделено институциональной эволюции механизмов участия граждан в процессах государственного управления, росту роли неправительственных некоммерческих организаций, средств массовой информации и бизнес-структур в публичной сфере.

**Кириш.** Ҳозирги замон давлатчилигининг ривожланиш босқичи фуқаролик жамиятининг давлат билан ўзаро муносабатларини янги даражага кўтаришни тақозо этмоқда. Давлат сиёсатининг самарадорлиги фақат унинг институционал тизимига эмас,

балки фуқаролар фаоллиги, жамоатчилик иштирокининг даражасига ҳам бевосита боғлиқ. XXI асрда демократик давлатларнинг барқарорлигини таъминлашда давлат ва фуқаролик жамиятининг ўзаро ҳамкорлиги муҳим аҳамиятга эга. Давлат сиёсий ва ҳуқуқий тартибни таъминлайди, иқтисодий ва ижтимоий барқарорликни сақлайди, фуқаролик жамияти эса жамиятнинг манфаатларини ифода этади, уларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилади. Бу икки институтнинг ҳамкорлиги - демократик ривожланишнинг асосий кафолати ҳисобланади.

Давлат ва фуқаролик жамияти ўртасидаги муносабатлар ўзгарувчан ва динамик бўлиб, турли шаклларда намоён бўлади: ижтимоий шериклик, жамоатчилик назорати, давлат ва нодавлат тузилмалари ҳамкорлиги ва бошқалар. Шу билан бирга, бу алоқа турли давлатларда ва сиёсий тизимларда турлича ривожланган. Ўзбекистонда ҳам сўнгги йилларда давлат ва жамият ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантиришга катта эътибор қаратилмоқда. Бу ўз навбатида, ижтимоий шериклик ва жамоатчилик назорати механизмларини такомиллаштиришни талаб этади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев таъкидлаганидек: «Бизнинг бош мақсадимиз – халқнинг розилигини топиш, ҳар бир фуқарога муносиб ҳаёт шароити яратишдир». Бу ғоя фуқаролик жамиятини давлат сиёсати билан уйғунлаштириш, ижтимоий шерикликни ривожлантиришнинг илмий асоси ҳисобланади. Ижтимоий шериклик нафақат ижтимоий барқарорликни таъминлайди, балки давлат ва жамият ўртасида ишончни мустаҳкамлайдиган механизмдир.

**Тадқиқот усуллари.** Ушбу тадқиқот сифатли тадқиқот ёндашувига асосланади, унда ҳужжатларни таҳлил қилиш, қиёсий таҳлил, контент таҳлил ҳамда кейс-стади (ҳолатни ўрганиш) услубларидан фойдаланилган. Амалдаги расмий ҳужжатлар ва минтақавий ҳамкорлик бўйича ҳисоботлар таҳлил қилиниб, мавжуд институционал тузилма баҳоланган.

**Муҳокама.** Ижтимоий шериклик механизмлари давлат сиёсати ва фуқаролик жамияти ўртасидаги самарали ҳамкорликнинг асосий таркибий қисми сифатида халқаро ва миллий тадқиқотларда кенг ёритилиб келинмоқда. Таҳлил натижалари шуни кўрсатадики, халқаро назарий моделларда ижтимоий шериклик асосан фуқаролик жамиятининг фаоллиги, ишонч ва мулоқот воситалари орқали ривожланади [1] (Putnam, 2000; Habermas, 1984) [2]. Шу билан бирга, Харви Кокс каби олимлар ижтимоий шерикликнинг маданий ва диний контекстда шаклланишини таъкидлаб, унинг фақат ҳуқуқий ва сиёсий омиллар билан чекланмаслигини кўрсатадилар [3]. Бу нуқтаи назар давлат ва фуқаролик институтлари ўртасида мултидисциплинар ҳамкорлик имкониятларини очади.

Миллий тадқиқотлар эса ижтимоий шерикликнинг амалий ва институционал жиҳатларини урғулайди. Ўзбекистон мисолида, Т. Қодиров ва М. Шерматов ижтимоий

шерикликни давлат ва нодавлат секторлар ўртасида ижтимоий ва иқтисодий лойиҳаларни мувофиқлаштириш жараёни сифатида талқин қиладилар, шунингдек, давлатнинг мувофиқлаштирувчи [4] ва қонунчилик базасини таъминловчи роли муҳимлигини таъкидлайдилар [5]. Н.Ахмедов эса маҳаллий ва минтақавий даражадаги шериклик механизмларини ривожлантириш ва халқаро моделлар билан уйғунлаштириш зарурлигини кўрсатади [6].

Халқаро назарий моделлар ва миллий амалиёт ўртасидаги боғлиқлик ва фарқлар ижтимоий шерикликнинг самарадорлигини баҳолашда муҳим аҳамиятга эга. Халқаро моделларда фуқароларнинг фаоллиги, нодавлат ташкилотлар ва “ижтимоий капитал” асосий омил сифатида қаралса, миллий контекстда давлатнинг марказий роли, ҳуқуқий база ва институционал механизмлар асосий аҳамиятга эга. Бу фарқлар миллий реалликни ҳисобга олган ҳолда, ижтимоий шериклик механизмларини қонунчилик, институционал таркиб ва фуқаролик маданияти билан уйғунлаштириш зарурлигини кўрсатади.

Шунингдек, таҳлил шуни кўрсатдики, ижтимоий шерикликнинг самарадорлиги фақат ҳуқуқий ва институционал механизмларга таянадиган моделларда чекланиши мумкин. Агар давлат ва жамият ўртасида мулоқот, фуқароларнинг фаол иштироки ва нодавлат институтлар ресурслари етарли даражада таъминланмаса, шериклик формал характерга эга бўлади ва ижтимоий трансформацияни самарали амалга ошира олмайди. Бу нуқтаи назар Хабермас назариясидаги тенг ҳуқуқли мулоқот ва консенсус жараёнининг миллий амалиётда институционал тарзда амалга оширилиши зарурлигини таъкидлайди [7].

Шуни айтиш керакки, рақамли жамият ва онлайн шерикликнинг аҳамияти ҳам алоҳида қайд этилади. Замонавий тажрибада фуқароларнинг электрон иштироки, онлайн платформа ва виртуал жамоатчилик фаолияти ижтимоий шерикликнинг янги формаси сифатида давлат ва жамият ўртасидаги муносабатларни такомиллаштириши мумкин [8]. Бу эса миллий контекстда ҳам замонавий технологиялардан фойдаланган ҳолда шериклик моделларини ривожлантириш имконини беради.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, таҳлил натижалари шуни кўрсатмоқдаки, ижтимоий шериклик механизмлари давлат ва фуқаролик жамияти ўртасидаги муносабатларни самарали тарзда ташкил этиш учун интеграцияланган ёндашувни талаб қилади. Бу ёндашув халқаро назариялардан олинган тажрибани миллий воқелик, ҳуқуқий ва институционал механизмлар ҳамда жамоатчилик фаоллиги омиллари билан уйғунлаштиришни назарда тутди.

## **Натижалар**

### **I. Ижтимоий шерикликнинг замонавий жамиятдаги ўрни**

Давлат ва фуқаролик жамияти институтлари ўртасидаги ижтимоий шериклик амалиёти кўп йиллик тарихга эга бўлиб, ижтимоий ривожланишнинг ҳозирги даврида бу муносабатларнинг мазмун-моҳияти кенгайиб бормоқда. Чунки, ижтимоий шериклик тушунчасининг дастлабки шаклланиш давлари билан бугунги постиндустриал ва ахборотлашган жамият ўртасида катта фарқ бор. Бу фарқлар давлат ва жамиятнинг хусусиятлари, бошқарув услублари, аҳолининг турмуш, маданият ва ўқимишлилик даражаси, жамиятда ижтимоий, сиёсий ва ҳуқуқий онгнинг ривожланганлик даражаси сингари кўплаб кўрсаткичларга ҳам тегишли бўлиб, давлат ва фуқаролик жамияти муносабатларининг қандай хусусиятда бўлиши кўп жиҳатдан шу омилларга боғлиқ.

Кўплаб тадқиқотчилар томонидан ўринли таъкидланганидек [9], ҳозирги вақтда ижтимоий шериклик анъанавий бўлган меҳнат муносабатлари билан чекланмай, ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида намоён бўлади. Фуқаролик жамиятининг хилма-хил институтлари, турли йўналишларга ихтисослашган нодавлат ноижорат ташкилотларининг ижтимоий шерикликни субъектлари сифатидаги мавқелари мустаҳкамланиши бу ҳамкорликнинг ишчилар ва иш берувчилар ўртасидаги икки томонлама ҳамда ишчилар, иш берувчилар, давлат ўртасидаги уч томонлама анъанавий муносабатлардан кўп томонли шерикликка айланишига сабаб бўлган. Бу эса давлат ва фуқаролик жамияти ижтимоий шериклигининг турли шакллари ривожланиши, биргаликда муҳокама қилинадиган ва ҳал қилинадиган ижтимоий масалалар доирасининг кенгайишига олиб келади.

Ривожланган давлатларда ижтимоий шериклик соҳасида бой тажриба тўпланган. Бу йўналишдаги илғор хорижий тажриба давлат фаолиятида фуқаролик жамияти иштирокини таъминловчи механизмлар фуқароларнинг ижтимоий фаоллиги, демократик институтларнинг самарадорлиги ва фуқароларнинг давлатга ишончини оширади.

Масалан, Швеция ва Германия сингари давлатларда ижтимоий шерикликнинг “participatory governance” ва “Sozialstaat” моделлари фуқароларнинг давлат сиёсатини шакллантиришдаги роли катта эканини кўрсатади. Бу ҳолат кўпроқ давлатнинг ижтимоий сиёсатида ўз аксини топади. Хусусан, Германияда ижтимоий шерикчилик давлат, нодавлат ноижорат ташкилотлари, иш берувчилар ва касаба уюшмалари иштирокидаги “тўрт томонлама ҳамкорлик” асосида амалга оширилади. Барча қарорлар жамоатчилик муҳокамаси орқали қабул қилинади.

Францияда фаолият юритувчи жамоат кенгашлари маҳаллий қарорларни қабул қилишда аҳолининг тўлақонли иштирокини таъминлайди.

Жанубий Кореяда ҳозирги вақтда рақамли платформа орқали амалга ошириладиган ижтимоий шериклик устивор мавқега эга: фуқаролар электрон муҳокамалар орқали давлат сиёсатини баҳолайди. “e-People” портали орқали фуқаролар давлат органларига тўғридан-

тўғри таъсир кўрсата олади. Ҳар бир қонун лойиҳаси юзасидан жамоатчилик фикри олинади. Бу шаффофлик ва ҳисобдорликни таъминлаб, муҳим қарорлар қабул қилиш жараёнида аҳоли иштирокини кенгайтиради.

Шу ўринда, нодавлат нотижорат ташкилотларини ижтимоий шерикликка жалб қилиниши жиҳатидан дунёда етакчи ўринларни эгаллаган Канада тажрибасига эътибор қаратиш ўринлидир. Бу мамлакатда турли ижтимоий гуруҳлар манфаатларини ифодаловчи минглаб нодавлат нотижорат тузилмалари фаолият юритиб, уларнинг орасида, ижтимоий эҳтиёжманд қатламларга хизмат кўрсатиш, хайрия ва кўнгиллик (волонтерлик) йўналишидаги ташкилотлари кўпчиликти ташкил этади. Соғлиқни сақлаш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, гендер тенгликни таъминлаш, оилавий низоларни олдини олиш соҳасидаги жамоат ташкилотлари ҳам катта таъсирга эга.

Таъкидлаш лозимки, Канадада касалхоналар, университет, коллеж ва бошқа ўқув муассасалари ҳам нодавлат нотижорат ташкилотлари сифатида эътироф этилган. Яъни, нотижорат тармоқ икки хил – давлат томонидан молиялаштириладиган, фаолиятдан олинган даромадни муассислар ўртасида тақсимлаш ҳуқуқига эга бўлмаган тиббиёт ва таълим муассасалари, касалхоналар, университет ва бошқа ўқув муассасалари ҳамда турли ижтимоий вазифаларни бажарувчи том маънодаги жамоат ташкилотларидан иборат. Бундай ёндашувлар Нидерландия, Белгия ва Франция сингари давлатларда ҳам қисман учрайди. Бу хусусият мамлакатда фуқаролик жамияти институтлари кенг қамровли эканига изоҳ бўлиши мумкин.

Ижтимоий сўровларда аниқланишича, 18-35 ёшли Канада аҳолисининг 30 фоизидан ошиғини жамоат ишлари, волонтерлик билан шуғулланадиган ёки шуғулланишни режалаштирганлар ташкил этади. Аҳолининг 60 фоизидан ошиғи волонтерлик ва ижтимоий ишларни устивор ва обрўли фаолият деб эътироф этишади [10]. Ижтимоий шериклик соҳасидаги давлат сиёсати фуқаролар ва нодавлат нотижорат ташкилотларини волонтерлик ва хайрия фаолиятига кенг жалб қилишга қаратилган бўлиб, бунда бир қатор моддий ва маънавий рағбатлантириш усуллари, солиқ имтиёзлари қўлланади. Нотижорат тармоқни молиялаштиришда давлат муҳим ўрин эгаллайди, масалан, тиббиёт, таълим йўналишларида давлат улуши 50 фоизгача етиши мумкин. Бу билан Канада бошқа, масалан, молиялаштириш асосан хусусий жамғармалардан таъминланувчи АҚШ сингари давлатлардан фарқланади. Бундай молиялаштиришнинг ютуқ ва камчиликларини фуқаролик жамияти институтлари билан ижтимоий шериклик муносабатларини ташкил этишда ҳисобга олиниши яхши натижаларни бериши мумкин.

Умуман олганда, ривожланган давлатлар тажрибаси давлат ва фуқаролик жамияти тузилмалари ўртасидаги ижтимоий шериклик жамият барқарорлиги ва турли ижтимоий гуруҳлар манфаатларини мувофиқлаштиришнинг муҳим омили эканини кўрсатади.

## 2. Ижтимоий шериклик амалиётининг назарий, ҳуқуқий ва институционал асослари

Илмий-назарий жиҳатдан ижтимоий шериклик фанлараро хусусиятга эга бўлиб, у бир қатор ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий, жумладан, давлат ва жамият бошқаруви йўналишдаги фанларнинг ўрганиш объекти саналади. Шу билан бирга, ижтимоий шерикликнинг умумий қабул қилинган илмий, ҳуқуқий таърифлари, унинг функциялари, шакллари ҳақидаги қарашлар шаклланмаган бўлиб, бу турли давлатларда ижтимоий шерикликнинг ташкил этиш, ҳуқуқий тартибга солиш ва амалий ёндашувлардаги фарқлар билан изоҳланади.

Хорижий илмий адабиётларда ижтимоий шериклик аксари ҳолларда кенг маънода талқин қилинган, унда давлатнинг нодавлат тармоқ билан муносабатлари асосий ўрин тутиб, фуқаролик жамияти институтларининг ижтимоий шериклик субъекти сифатидаги алоҳида ўрнига етарли эътибор қаратилмаганини кўриш мумкин. Мавзуга кўпроқ анъанавий тарзда меҳнат муносабатлари ҳамда меҳнат жараёнларида ишчилар, иш берувчилар ва давлат органлари манфаатларини мувофиқлаштириш нуқтаи назаридан ёндашилгани кузатилади [11].

Умуман олганда, фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорлик муносабатларини ривожлантиришга қаратилган давлат сиёсати объектив сабаблар, бошқача айтганда, замона зайли билан боғлиқ. Давлат ва жамият тараққиётининг ҳозирги босқичида ижтимоий ҳаётнинг турли соҳаларига оид муҳим қарорларни қабул қилиш жараёнида фуқаролик жамияти ва фуқароларнинг иштироки муҳим аҳамиятга эга давлат аҳамиятига молик қарорларни қабул қилишда аҳолининг турли қатламларининг фаол иштироки давлат органлари фаолиятининг очиқ ва шаффофлигини таъминлашга, мазкур қарорларнинг амалга оширилишида жамоатчилик назоратининг кучайишига, давлат сиёсатига нисбатан фуқароларнинг ишончини ортишига хизмат қилади.

Мамлакатимизда давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтлари ўртасида ижтимоий ҳамкорлик муносабатларининг ҳуқуқий асослари амалдаги бир қатор қонун ҳужжатларида мустаҳкамланган. Янгиланган Конституцияда Ўзбекистоннинг ижтимоий давлат сифатида эътироф этилиши, шунингдек, унда фуқаролик жамияти институтлари мақомининг мустаҳкамланиши бундай ҳамкорликнинг конституциявий пойдевори ҳисобланади. Ижтимоий давлатчиликнинг ривожланиши ижтимоий шерикчилик тизими ва механизмларини изчил ривожлантириш, давлат органларнинг айрим вазифаларини босқичма-босқич фуқаролик жамияти институтларига ўтказиб борилишини назарда тутди.

Ўзбекистон Республикасининг “Ижтимоий шериклик тўғрисида”ги қонуни [12] ижтимоий шерикликнинг самарали йўлга қўйиш учун зарур ҳуқуқий жиҳатларни қамраб олган.

Мазкур қонунга кўра, ижтимоий шериклик - давлат органларининг нодавлат ноижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларини, шу жумладан тармоқ, ҳудудий дастурларни, шунингдек норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига дахлдор бўлган бошқа қарорларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш борасидаги ҳамкорлигидир. Унинг мақсади ижтимоий барқарорлик, аҳоли фаровонлиги ва давлат бошқарувида фуқароларнинг фаол иштирокини таъминлашдан иборат.

Давлат органлари, фуқаролик жамияти институтлари ижтимоий шериклик субъектлари ҳисобланади. Ижтимоий шериклик қонунийлик, томонларнинг тенг ҳуқуқлиги, ўзаро ҳурмат, манфаатларнинг инобатга олиниши, очиқлик ва шаффофлик, ҳолислик сингари тамойиллар асосида ижтимоий ҳаётнинг барча муҳим соҳаларда амалга оширилши мумкин.

Ҳозирги вақтда ижтимоий шерикликнинг асосий шакллари сифатида фуқаролик жамияти институтларининг ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларини, муҳим норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда иштирок этишини кўрсатиш мумкин.

Ижтимоий шерикликнинг асосий мақсади жамиятда ижтимоий барқарорликни таъминлаш, аҳолининг турли қатламлари манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда давлат, нодавлат ва хусусий секторлар ўртасида ҳамкорликни мустаҳкамлашдан иборат.

Ўзбекистонда давлат бошқарувини демократлаштириш ва очиқликни таъминлаш йўлида олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотлар жараёнида аҳолининг турли қатламларининг кенг иштирокини таъминлаш, уларнинг ташаббусларини илгари сурувчи фуқаролик жамияти институтларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш давлат сиёсатининг асосий йўналишларидан деб белгиланган.

Давлат сиёсати ва фуқаролик жамияти ўртасидаги муносабатлар - бу демократиянинг асосий белгиларидан бири. Давлат сиёсий барқарорлик ва ҳуқуқий тартибни таъминласа, фуқаролик жамияти давлат фаолиятининг самарадорлигини баҳолаш, ижтимоий фикр орқали уни тўғри йўналтириш вазифасини бажаради.

Давлат сиёсати – бу давлат ҳокимияти институтлари орқали амалга ошириладиган, жамиятнинг барқарор ривожланишини таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар тизимидир. Унинг марказида инсон манфаатлари туради. Давлат сиёсатининг вазифалари

қаторида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, ижтимоий адолатни қарор топтириш, жамоатчилик билан очиқ мулоқотни йўлга қўйиш каби йўналишлар алоҳида аҳамиятга эга.

Давлат ва фуқаролик жамияти ўртасидаги муносабатларнинг табиати ва мазмуни ҳар бир мамлакатнинг сиёсий тизими, ҳуқуқий анъаналари ва демократия даражасига боғлиқ бўлади. Бироқ, уларни бирлаштирувчи умумий қонуният шундан иборатки - давлат ва жамият ўзаро ишонч ва шериклик асосида ҳамкорлик қилган тақдирдагина барқарор ривожланишга эришиш мумкин. Бу ҳамкорлик “ижтимоий шериклик” тамойилларида ўз ифодасини топади.

Давлат ва фуқаролик жамияти ўртасидаги муносабатлар қуйидаги асосий тамойилларга таянади:

- Қонунийлик ва тенг ҳуқуқчилик;
- Шаффофлик ва очиқлик;
- Ихтиёрийлик ва масъулиятли шериклик;
- Ўзаро ҳурмат ва ишонч;
- Ҳисобдорлик ва самарадорлик.

Бу тамойиллар давлат ва жамоат институтларининг ўзаро ишончини мустаҳкамлайди ва фуқароларнинг давлат сиёсатидаги иштирокини кенгайтиради.

Ижтимоий шерикликни амалга оширишда давлатнинг асосий вазифалари бу соҳадаги фаолиятнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини яратиш, фуқаролик жамияти институтларини бу жараёнга жалб этиш, уларни қўллаб-қувватлашдан иборатдир. Ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳаларни молиялаштириш, нодавлат нотижорат ташкилотларига ижтимоий буюртмаларни шакллантириш, уларга субсидиялар ажратиш, фуқаролик жамияти институтларига солиқ ва бошқа турдаги молиявий имтиёзлар бериш шулар жумласидан.

Ўтган давр мобайнида мамлакатимизда фуқаролик жамияти институтларини ривожлантириш, уларнинг эркин фаолияти кафолатларини таъминлаш ва давлат органлари билан ҳамкорлигини мустаҳкамлаш, таъсирчан жамоатчилик назоратини ўрнатиш юзасидан комплекс ва изчил ишлар амалга оширилди. Давлат ва фуқаролик жамияти институтлари ўртасида ҳамкорлик ва ижтимоий шерикликнинг ривожлантиришнинг бир қатор ташкилий механизмлари яратилган бўлиб, улар мунтазам такомиллаштирилиб борилмоқда.

Бу йўналишда амалга оширилган муҳим чора-тадбирлар қаторида Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциациясининг ташкил этилиши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамияти институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди

тузилгани, давлат органлари ҳузурида жамоатчилик кенгашлари, маҳаллий кенгашлар ҳузурида фуқаролик жамияти институтлари вакилларида иборат бўлган маслаҳат гуруҳлари фаолияти жамоатчилик асосида йўлга қўйилгани каби мисолларни келтириш мумкин.

Ижтимоий шерикликда асосий рол куйидаги тўрт субъект томонидан бажарилади:

Ижтимоий шерикликнинг биринчи субъекти - давлат органлари. Давлат органлари тегишли фаолиятнинг ташкилий ва ҳуқуқий асосларини яратади, ижтимоий дастурлар ва грантлар орқали ҳамкорликни таъминлаш ҳамда стратегик бошқарувни амалга оширишда асосий рол ўйнайди. Улар жамоатчилик назоратини таъминлаш ва лойиҳаларни молиявий қўллаб-қувватлаш учун зарур шарт-шароитларни яратади.

Хусусан, 2025 йили Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан «Фуқаролик жамияти институтларини ижтимоий шериклик асосида жалб қилиш» дастури давлатнинг шундай фаолиятига мисол бўлади. Ушбу дастурда давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтлари ўртасида устувор равишда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, коррупцияга қарши курашиш ҳамда таълим, тиббиёт, экология, қурилиш, транспорт, коммунал хўжалиги, бандлик, ижтимоий хизматлар кўрсатиш ва бошқа соҳаларнинг энг долзарб муаммолари ечимига қаратилган ижтимоий шерикликни йўлга қўйиш; тегишли соҳа ва тармоқларда мавжуд муаммоларнинг таъсирчан ечимини назарда тутувчи ташаббусли лойиҳаларни амалга ошириш; жамият ҳаётининг энг долзарб соҳаларида жамоатчилик назоратини ўрнатиш тартиби белгилаб берилган.

Ижтимоий шерикликнинг яна бир муҳим субъекти Нодавлат нотижорат ташкилотлари (ННТ) ҳисобланади. ННТлар жамиятнинг махсус эҳтиёжларини ҳимоя қилиш, ижтимоий лойиҳаларни амалга ошириш ва фуқароларнинг фикрларини давлат органларига етказишда иштирок этади. Ушбу ташкилотлар маҳаллий ва минтақавий даражада ижтимоий назорат ва ташаббусларни қўллаб-қувватлашда муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Фуқаролик жамияти институтларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари” тўғрисидаги 2024 йил 26 августдаги ПФ-124-сон Фармонида асосан нодавлат нотижорат ташкилотлаига бир қатор қўшимча имтиёзлар берилган. Фуқаролик жамияти институтлари учун давлат субсидиялари, грантлар ва ижтимоий буюртмаларни ажратиш жараёнларининг шаффофлигини таъминлаш мақсадида ягона электрон платформа ишга туширилган. Шунингдек, имтиёзлар қаторига солиқ енгилликлари ҳам киритилган бўлиб, жумладан, нодавлат нотижорат ташкилотлари учун даромад солиғи ва ижтимоий солиқ ставкалари 3 йилга 50 %гача камайтирилиши белгиланган. Шунингдек, ногиронлар, фахрийлар, хотин-

қизлар ва болалар ташкилотлари учун (нотариал ёки рўйхатдан ўтиш божи) давлат божи ҳам камайтирилиши кўзланган.

Ижтимоий шерикликнинг учинчи муҳим субъекти - оммавий ахборот воситалари (ОАВ) ҳисобланиб, улар давлат ва жамият ўртасида ахборот кўприги вазифасини бажаради. Мустақил журналистика ва очиқ муҳокама маданияти орқали жамиятда шаффофликни таъминлайди, давлат ва ННТларнинг фаолияти ҳақида аҳолига тўлиқ маълумот тақдим этади.

Ижтимоий шерикликнинг яна бир субъекти – хусусий бизнес тузилмалари бўлиб, улар бу жараёнда корпоратив ижтимоий жавобгарлик асосида ижтимоий шерик сифатида иштирок этади. Бугунги кунда бизнес тузилмалари давлат ва ННТлар билан ҳамкорликда давлат хусусий шерикчилик асосида таълим, соғлиқни сақлаш, экологик ва бошқа ижтимоий соҳаларда лойиҳалар амалга оширишга кенг жалб қилинган.

#### Ижтимоий шериклик шакллари

Ижтимоий шериклик субъектлар ўртасидаги мақсад ва механизмларга қараб турли шаклларда намоён бўлади. Ушбу шаклларни қуйидагича таснифлаш мумкин:

Давлат–ННТ ҳамкорлиги. Бу шакл давлат грантлари, ижтимоий буюртмалар ва қонунчилик ташаббуслари орқали амалга оширилади. Давлат дастурларини ишлаб чиқишда ННТларнинг иштирокини таъминлаш, жамоатчилик кенгашлари орқали давлат қарорларини муҳокама қилиш ва маҳаллий жамоат эшитувлари ва очиқ мулоқотларни ташкил этиш асосий механизмлар саналади.

Давлат–қасаба уюшмалари ҳамкорлиги. Меҳнат муносабатларини тартибга солиш ва ижтимоий қафолатларни таъминлаш орқали амалга оширилади. Бу шаклда қасаба уюшмалари ва давлат органлари меҳнат қонунчилиги, ижтимоий пакетлар ва фуқаролар ҳуқуқларини ҳимоя қилишда ҳамкорлик қилади.

Фуқаролар ташаббуслари ва шериклик кенгашлари. Маҳаллий ва минтақавий даражада қарор қабул қилишда фуқароларнинг тўғридан-тўғри иштирокини таъминлайди. Ушбу шаклда маҳаллий жамоатчилик ўз ташаббусларини илгари суриши, жамоатчилик кенгашлари орқали давлат органларига таклифлар киритиши ва маҳаллий лойиҳаларни кузатиб бориши мумкин.

Ижтимоий шериклик амалиётда қуйидаги йўналишларда ривожлантирилади:

Давлат дастурларини ишлаб чиқишда ННТларнинг иштирокини таъминлаш;

Жамоатчилик кенгашлари орқали давлат қарорларини муҳокама қилиш;

Давлат грантлари ва ижтимоий буюртмалар орқали ННТларни молиявий қўллаб-қувватлаш;

Маҳаллий даражада жамоат эшитувлари ва очиқ мулоқотлар ўтказиш.

Бу жараёнда давлат органлари стратегияни белгилаш ва ресурслар тақсимотини амалга оширади, ННТлар эса ташаббуслар, лойиҳаларни амалга ошириш ва ижтимоий назоратни таъминлайди.

#### Амалий натижалар

Мамлакатимизда фуқаролик жамияти институтларини ривожлантириш, уларнинг ижтимоий аҳамиятга молик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш ва ижтимоий шериклик асосида ҳамкорликка жалб этиш соҳасда амалга оширилган чора-тадбирлар ўзининг ижобий натижаларини бермоқда.

Сўнгги йилларда юртимизда фуқаролик жамияти институтлари ривожланишининг янги даври бошланди, деб айтишимиз мумкин. Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан Ҳаракатлар стратегияси доирасида замонавий демократик талабларга жавоб берадиган норматив-ҳуқуқий база такомиллаштирилди, нодавлат нотижорат ташкилотларининг мавқеини кучайтириш, уларнинг давлат томонидан қўллаб-қувватлаш кўламини кенгайтиришга қаратилган ўнлаб янги қонун ҳужжатлари қабул қилинди.

Ўзбекистон Президенти Фармони билан тасдиқланган 2021-2025 йилларда фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида фуқаролик жамияти институтларини давлат томонидан субсидиялар, грантлар ва ижтимоий буюртмалар шаклларида қўллаб-қувватлаш ҳажмини 2025 йилда 1,8 бараварга ошириш ва ажратиладиган маблағ миқдорини 70 миллиард сўмга етказиш вазифаси белгиланган [13].

Нодавлат нотижорат ташкилотлари томонидан амалга оширилаётган лойиҳалар соғлиқни сақлаш, ижтимоий ҳимоя ва таълим соҳаларида ўзининг ижобий натижаларини бермоқда. Сўнгги йилларда давлат ва ННТлар ҳамкорлигида 1000 дан ортиқ ижтимоий лойиҳалар амалга оширилган.

Жамоатчилик назорати институти жамиятнинг давлат билан ўзаро самарали алоқасини таъминлаш, одамларнинг кайфиятини, мамлакатда кечаётган ўзгаришларга муносабатини аниқлашнинг муҳим воситаларидан бирига айланмоқда.

Фуқароларнинг «Очиқ бюджет» жараёнидаги иштироки БМТнинг Барқарор ривожланиш мақсадларида белгиланган камбағалликни қисқартириш, гендер тенглигига эришиш, тенгсизликни қисқартириш сингари вазифаларни ҳал қилишда ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда.

Амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар натижасида шахс, жамият ва давлат ўртасидаги муносабатларда воситачи сифатида иштирок этувчи жамоат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари ҳамда фуқаролик жамияти институтлари сони ошиб, уларнинг турли соҳалардаги долзарб масалаларни ҳал қилишда иштироки кучайиб бормоқда.

Адлия вазирлиги маълумотларига кўра, 2025 йил декабрь ҳолатига Ўзбекистонда давлат рўйхатига олинган нодавлат нотижорат ташкилотлари сони 10 мингдан ошган, уларда 70 мингга яқин фуқаролар фаолият юритишмоқда [14]. Мазкур ташкилотлар ҳар йили давлат дастурларининг 350 дан ортиқ бандлари ижросида бевосита иштирок этмоқда.

Бугунги кунда фуқаролик жамияти институтлари давлат сиёсатини амалга оширишда фақат кузатувчи эмас, балки фаол иштирокчига айланмоқда. Давлат органлари ва жамоат ташкилотлари ўртасида ўзаро ҳамкорликнинг янги форматлари – жамоатчилик эшитувлари, очиқ форумлар, стратегик шериклик кенгашлари ва электрон иштирок платформалари (масалан, [regulation.gov.uz](http://regulation.gov.uz)) фаол қўлланилмоқда.

Фуқаролик жамияти институтларининг иштироки мамлакатимиз Президенти ташаббуси билан йўлга қўйилган ҳамда маҳалла институтини кучайтириш орқали амалга оширилаётган «Маҳаллабай» ишлаш тизимида алоҳида ўрин тутмоқда. Ижтимоий шерикликнинг Ўзбекистонга хос бу шаклида камбағалликни қисқартириш, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш, муаммоларни аниқлаш ва ҳал этишда давлат органлари, маҳалла фаоллари, ижтимоий хизматлар ва жамоат ташкилотлари ўртасидаги ҳамкорлик яхши натижалар бермоқда. Маҳалла билан ҳамкорликда аҳолининг эҳтиёжлари ўрганилиб, манзилли ёрдам ва қўллаб-қувватлаш механизмлари ишлаб чиқилмоқда.

Шу билан бир қаторда, нодавлат нотижорат ташкилотларининг ижтимоий соҳалардаги иштироки сезиларли даражада ошиб бормоқда. Улар таълим, тиббиёт, экология, ёшлар ва аёллар масалалари бўйича турли лойиҳаларда давлат идоралари билан тенгма-тенг туришга ҳаракат қилишмоқда.

Ижтимоий шерикликнинг яна бир муҳим йўналиши – давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш, таълим ва тиббиёт муассасаларини модернизация қилиш, ижтимоий хизматлар марказларини ташкил этиш, инфратузилмани янгилаш каби йўналишларга хусусий секторнинг фаол жалб қилиш ҳисобланади. Бу фақат бюджет харажатларини камайтириб қолмай, бажарилган ишларнинг сифат ва самарадорлигини оширишга хизмат қилди.

### 3. Ижтимоий шериклик амалиётини такомиллаштириш соҳасидаги асосий йўналишлар

Давлат ва жамият бошқарувидаги замонавий тенденциялар фуқаролик жамияти институтлари фаолиятини ривожлантириш, уларнинг муҳим ижтимоий аҳамиятга эга ташаббусларини рўёбга чиқишга кўмаклашиши, ижтимоий шериклик амалиётини ташкилий-ҳуқуқий механизмларини изчил ва тизимли асосда такомиллаштиришни талаб этмоқда. Бу йўналишдаги амалий ишларни самарали ҳал қилиш мамлакат тараққиётининг янги босқичида ижтимоий шерикликни кучайтириш, давлат юкини енгиллаштириш,

хизматлар сифати ва шаффофлигини ошириш, муҳим ижтимоий-сиёсий жараёнларда аҳоли иштирокини кенгайтиришга, пировард натижада, Ўзбекистонни ривожланган мамлакатлар қаторидан мустаҳкам ўрин эгаллашига хизмат қилади.

Ижтимоий шериклик амалиётини такомиллаштиришнинг асосий йўналишларидан бири - ННТлар учун қулай ҳуқуқий муҳит яратишдир. Нодавлат нотижорат ташкилотларига солиқ имтиёзлари, маъмурий енгилликлар ва махсус қўллаб-қувватлаш механизмларининг жорий этилиши жамоат ташкилотларининг фаоллигини оширади, уларни ижтимоий дастурларда иштирокини кенгайтиради. Қонунчиликнинг аниқ ва тушунарли бўлиши ижтимоий шериклик муносабатларини барқарор ва тизимли бўлишига имкон яратади.

Иккинчи муҳим йўналиш - жамоатчилик назоратини рақамли асосда ташкил этиш, яъни “электрон шериклик платформи”ни яратишдир. Бундай платформа орқали фуқаролар давлат қарорлари, ижтимоий дастурлар ва бюджет харажатлари ҳақида онлайн маълумот олиши, таклиф ва шикоятларни юбориши, муҳокамаларда масофадан иштирок этиши мумкин бўлади. Рақамли назорат давлат органлари фаолиятини шаффофлаштириб, жамоатчилик билан мулоқотни кучайтиради, коррупция хавфини камайтиради ва давлатга бўлган ишончни оширади.

Учинчи йўналиш - давлат органларининг ҳисобдорлигини ошириш ва қарор қабул қилишда жамоатчилик фикрини албатта инобатга олиш. Бунда ҳар бир вазирлик, маҳаллий ҳокимлик ёки идора ўз фаолияти юзасидан жамоатчиликка доимий ҳисобот берадиган механизмлар жорий этилади. Қарорлар аҳоли ва ННТлар билан муҳокама қилинмасдан қабул қилинмаслиги ижтимоий шерикликнинг мазмун-моҳиятини кучайтиради. Бу амалий чоралар давлат бошқарувини очиқ, масъул ва жавобгар тизимга айлантиради.

Тўртинчи йўналиш сифатида хорижий тажрибани миллий шароитга мослаштириш ва ННТлар салоҳиятини ошириш вазифасини каўрсатиш мумкин. Ривожланган давлатлар тажрибасида ижтимоий шериклик кенг ривожланган бўлиб, унда ННТлар, маҳалла ва хусусий секторнинг роли катта. Ўзбекистонда ҳам илғор тажрибаларни ўрганиш, миллий маданият ва ҳуқуқий муҳитга мос механизмларни жорий этиш, ННТ мутахассислари учун ўқувлар, тренинглари, малака ошириш дастурларини кенгайтириш ижтимоий шерикликнинг сифатини оширади.

Бешинчи муҳим йўналиш - Президент томонидан илгари сурилган “инсон қадр” тамойилини ижтимоий шериклик жараёнига татбиқ этиш ҳисобланади. Бу тамойилга кўра, барча қарорлар ва дастурлар инсон манфаати, унинг ҳуқуқ ва имкониятларини ҳимоя қилишга қаратилган бўлиши керак. Инсонни ижтимоий сиёсат марказига қўйиш орқали хизматлар сифатини ошириш, эҳтиёжманд қатламларни қўллаб-қувватлаш ва жамият ижтимоий адолатини таъминлаш имкони ортади. “Инсон қадр” ғояси ижтимоий

шерикликни фақат маъмурий механизм эмас, балки маънавий-ахлоқий қийматлар билан бойитилган тизимга айлантиради.

Ушбу йўналишларнинг амалиётга самарали жорий этилиши Ўзбекистонда ижтимоий шерикликни сифат жиҳатидан янги босқичга кўтаришга хизмат қилади. Қонунчиликни такомиллаштириш, рақамли платформалар яратиш, жамоатчилик фикрига таянган қарорлар қабул қилиш, хорижий тажрибани ўзлаштириш ва инсон қадрини устуворлик сифатида белгилаш натижасида давлатнинг ижтимоий юки енгиллашади, хизматлар сифатли ва самарали бўлади. Шу орқали мамлакат барқарор ривожланиш йўлида олға интилиб, ривожланаётган давлатлар қаторидаги мавқеини янада мустаҳкамлайди.

Шу ўринда айтиш жоизки, Президент Ш.Мирзиёевнинг «Инсон қадри – жамият тараққиётининг асосий мезони» деган ғояси ижтимоий шериклик соҳасидаги давлат сиёсатининг асосини ташкил этмоқда. Давлат раҳбарининг алоҳида эътибори натижасида ижтимоий шериклик янги сифат босқичига кўтарилмоқда, жамият муаммоларини самарали ҳал қилиш, инсон қадрини улуғлаш, ижтимоий адолатни таъминлаш учун мустаҳкам замин яратилмоқди. Ижтимоий шериклик Ўзбекистоннинг янги тараққиёт моделида марказий ўринни эгаллаб, мамлакатда амалга оширилаётган ислохотларнинг ҳаракатлантирувчи кучларидан бирига айланмоқда.

**Хулоса.** Хулоса ўрнида таъкидлаш лозимки, ижтимоий шериклик – замонавий демократик давлатнинг ажралмас қисми ҳисобланиб, давлат сиёсатининг самарадорлиги кўп жиҳатдан фуқаролар ва фуқаролик жамияти институтларининг фаоллиги билан боғлиқ. Ўзбекистонда ушбу тизим изчил ривожланмоқда: ҳуқуқий асослар яратилди, амалиётда лойиҳалар сони кўпайди, давлат бошқарувида жамоатчилик иштирокининг институционал механизмлари шаклланди. Яқин истиқболдаги долзарб вазифалар эса мавжуд шарт-шароитларни такомиллаштириш, ижтимоий шерикликни рақамлаштириш, молиявий барқарорликни таъминлаш ва фуқаролар фаоллигини ошириш орқали фуқаролик жамиятининг давлат ва жамият ҳаётидаги иштирокини кучайтиришдан иборатдир.

#### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Putnam, R. D. (2000). *Bowling Alone: The Collapse and Revival of American Community*. New York: Simon & Schuster.
2. Habermas, J. (1984). *The Theory of Communicative Action*. Boston: Beacon Press.
3. Cox, H. (1995). *The Future of Faith*. New York: HarperCollins.
4. Қодиров, Т. (2021). *Давлат сиёсати ва фуқаролик жамияти муносабатлари*. Тошкент: Ўзбекистон.

5. Шерматов, М. (2020). Ижтимоий шерикликнинг миллий хусусиятлари. Тошкент: Ўзбекистон Иқтисодиёт Институтини.
6. Ахмедов, Н. (2019). Маҳаллий ва минтақавий шериклик механизмлари. Тошкент: Илмий-нашрият
7. Habermas, J. (1984). The Theory of Communicative Action. Boston: Beacon Press.
8. Smith, A., & Kollock, P. (2010). Communities in Cyberspace. London: Routledge.
9. Ильичева Л.Е., Паршина Е.В. Государство и гражданское общество как субъекты политики социального партнерства//Власть.2024. Т.32, №2. 145-159 б. Электрон ресурс: <https://www.isras.ru/publ.html?id=13185&type=publ&printmode>
10. Исраелян Е.В. Диалог государства и общественности: опыт Канады // США - Канада: экономика, политика, культура. 2006. №4. С. 35.
11. Михеев В.А. Основы социального партнерства; теория и политика: Учебник для вузов. М.: Экзамен, 2001.
12. Ўзбекистон Республикасининг “Ижтимоий шериклик тўғрисида” 25.09.2014 йилдаги ЎРҚ-376-сон Қонуни, <https://lex.uz/docs/2468214>
13. 2021 — 2025 йилларда фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 04.03.2021 йил ПФ-6181-сон Фармони, <https://lex.uz/uz/docs/5319756>
14. <https://gov.uz/uz/adliya/news/view/107592>